

## Биз учун дуо қилмайсизми?

15:00 / 26.11.2017 2890

Абу Абдуллоҳ Хаббоб ибн Аратт розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга шикоят қилдик. У зот Каъба соясида бурдаларини болиш қилиб ётган эдилар. Биз у зотга: «Биз учун нусрат сўрамайсизми? Биз учун дуо қилмайсизми?» дедик. У зот:

**«Сизлардан олдинги кишини ушлаб, ерга чуқур қазиб, унга ташлашар, сўнг арра олиб келиб, бошига қўйиб, яримтадан иккига бўлиб ташлашар эди. Темир тароқлар билан гўштининг остидаги суякларигача тарашар эди. Шу ҳам уни ўз динидан тўсмас эди. Аллоҳга қасамки, бу ишни Аллоҳ охирига етказди, ҳатто отлиқ Аллоҳдан ўзгадан ёки суруви учун бўридан қўрқмаган ҳолда Санъодан Ҳазрамавтга борадиган бўлади. Лекин сизлар шошиляпсиз», дедилар».**

Имом Бухорий ривоятлари.

Бошқа ривоятда: «У зот бурдаларини болиш қилиб ётган эдилар. Батаҳқиқ биз мушриклардан озор топган эдик», дейилган.